

"ДИЛКАШ ШЕРИКЛАР"

Ушбу маблағни кредит тани ва фоизи бўйича вужудга келган ўпирилишни "ёпишга" ҳамда бошқа "молиявий ёрдамлар"га сарфлашди. Орадан 2 ой ўтиб...

МЕНИНГ ХОҲИШИМ ҚОНУНИЙМИ?

Бироз вақт ўтиб, шошилганимни билдим. Чунки бу орада ишга қайтишга имконият пайдо бўлди. Мен аввалги ишимга қайтаришни сўраб мурожаат қилишим мумкинми?

Нижос

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 10-sentabr, №37 (662)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 227-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар, 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **227-моддасининг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«227-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автотомотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобиддаги хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автотомотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш қарама-қаршилик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Тошкент шаҳри,
2009 йил 8 сентябрь
№ УРҚ-215

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

2009 йилнинг 29 август куни тахминан соат 18-30 лар да "Қўкча" масжиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уйда, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида Республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчилар гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли олдин берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган

жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Махмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳолиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иккунинг кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб борилётган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрига асос солинганнинг 2200 йиллиги арафасида қабул қилиниши мустақил давлатимиз инсонпарварлик, адолат ва умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигидан яна

ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддатиди икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилиниши кўрсатилди.

Ушбу амнистия актида қўлланилмайдиган ҳолатлар ҳам белгилаб берилди, унга кўра:

— ўта хавфли рецидивист деб топишганлар;
— ўта оғир жиноятларни со-

дир этган шахслар;
— узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар, шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибидида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилмайди.

Шу билан бирга, амнистия актининг қўлланиши устидан жамоатчилик назорати ҳамда депутатларнинг бевоқиф иштироки таъминланиши қайд этилди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Прокуратура органларининг эндиги вазифаси эълон қилинган амнистия актини бекаму кўст ҳаётга татбиқ қилиш, ҳар бир маҳкум ҳамда амнистия таъсир остига тушадиган шахсларга нисбатан алоҳида ва ҳолисона қўлланилиши ҳамда қонунбузишларининг олдини олиш устидан оғишмай назоратни олиб боришдан иборат, қарорда амнистиянинг уч ой мобайнида ижро этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунинг учун ҳам "Амнистия

ҳисобга олиншини таъминлашлари, ҳусусан, уларни ишга жойлаштириш, ёрдамга муҳтожларга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, ёлғизларни, ногиронларни ва қарияларни тегишли муассасаларга жойлаштириш, вояга етмаганларни тегишли шахслар назоратида топширишни ташкиллаштириш керак. Ундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган барча шахсларни яшаш жойлари бўйича тиббий поликлиникалар томонидан рўйхатга олиш, белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўтказиш, соғломлаштириш ишларини олиб бориш лозим.

"Амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг мазмун ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш, бунда матбуот, радио ва телевидение кучидан ҳамда қарор қўлланилаётган ҳар бир суд процессида суд минбаридан фойдаланиш керак.

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар
прокурорининг ўринбосари

ОБУНА — 2010

Хурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий на- шрлар қатори "НУҚУ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юк- ламоқда.

Шу маънода, "НУҚУ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқа- ролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақ- сад қилиб олади.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жи- ноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳи- мо- жасига оид энг сара, таҳлилий мақолалар га- зетхонларга эътиборига ҳавола этиб ке- линмоқда. Шунингдек, тахририяти- мизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "НУҚУ" га- зетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорин- гиз бўлиб қолади.

Обуна бўлишга кеч қолманг!

Наир кўрсаткичи — 231



Мамлакатимизда фуқаролар муносабат қўймайдиган идора ва ташкилотнинг ўзи бўлмас керак. Муносабат этиш фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган

хуқуқи бўлиб, бу хуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётган давлатимизнинг омма билан алоқасининг муҳим шакли ва халқимиз ижодий фаоллигининг белгисидир. Афсуски, мана шу жиҳатларни ҳамма мансабдор ва масъул шахслар англаб етмагандилар.

Андижон шаҳар прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси бўйича шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасида текшириш ўтказилди. Унда бошқарма мансабдорлари фуқароларнинг муносабатларига лоқайдлик билан қараётганликларни аниқладилар. Хусусан, бошқармага фуқаро Ф.Мирзаев Олтинкўл кўчаси 126-уйда жойлашган "Табассум" номли ошхона-чойхонаси бино иншоотлари бутунгун қун талабларига жавоб бермаганлиги учун ушбу жойни ва отаси Ш.Мирзаева тегишли бўлган 4,5 сотих ер майдони билан бирга замонавий тарзда "Миллий чойхона"-га мослаб қайта қуришни амалга ошириш учун муносабат қилди.

Фуқаро Ж.Исомиддинов ҳам Олтинкўл кўчасидаги "Тумбаб" номли хусусий фирма бино-иншоотига ишлаб чиқариш билан шугулланаётгани ва уни янада ривожлантириш мақсадида бўш турган жойга ўз ҳисобидан 2 қаватли савдо

ҳамда маиший хизмат кўрсатиш савдо комплекси қуришга рухсат беришини сўрайди.

Андижон шаҳар 1-тор Кўқон

"Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш хуқуқи эса. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқиши шарт".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси

кўчаси 17-уйда яшовчи фуқаро Т.Юлдашев аризасида шундай ёзади: "Мен 2005 йил март ойида

лиги учун жамият томонидан тўлиқ таъмирланди. Жамият виллоят локализациялаш дастурига тушган бўлиб, электр энергияси узлуксиз таъминлангани лозим. Шу мақсадда, корхонамизга электр энергиясини узлуксиз равишда таъминлаш учун 6 километр ер ости электр кабелини ётқизишга рухсат беришини сўрайман."

Андижон шаҳар Ш.Рашидов

ЛОҚАЙДЛИК

ёхуд муносабатларга панжа орасидан қараганлар

савдо фаолиятини юргизиш учун "Металлторг локс" МЧЖни ташкил қилганман. Шу йили август ойида жамият фаолиятини қайта ташкил қилиб, "JM UZBEKISTAN" корхонасига автомашиналарга безатувчи қопқоқлар етказиб бериш билан шугулланиб келмоқдамиз. Жамиятда ҳозирги кунда 39 нафар ишчи ходим ишлаб келмоқда. Юридик манзили Андижон шаҳар Сарвонтепа кўча 58-уйда жойлашган бўлиб, ишлаб чиқариш корхонамиз эса ижара асосида Андижон шаҳар Т.Келдиев кўчаси 177-уйда жойлашган. Жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ўз биносига эга бўлиш мақсадида 2008 йил март ойида биржа савдосида Лойҳавий кўчасидаги ил-газлама ишлаб чиқариш бirlашмасига тегишли бўлган омборхонани сотиб олдик. Ушбу жой қаровсиз ҳолатда бўлган-

кўчаси 12 "а"-уйда яшовчи Б.Юсупов яшаётган хонадонни жойлашган кўча қайта қуришга режалаштирилди, кенгайтирилаётганлиги сабабли яшаётган хонадонни 2 қаватдан кам бўлмаган замонавий бино, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси қуришга рухсат беришини сўраб ёздаи.

Дарҳақиқат, бутунгун қунда талбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, янги замонавий хизмат кўрсатиш ёхуд ишлаб чиқариш биноларини қуриб, янги иш ўринлари яратиш орқали юрт мустакиллигини янада мустаҳкамлашга улш қўшмоқчи бўлган ҳамюртларимиз қўллаб топилади. Аҳоли зич жойлашган Андижон шаҳрида ҳар бир яратилаётган иш ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, айрим мансабдор шахслар бунга тўла англаб етмагандилар. Андижон шаҳар

архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб келётган Юсупов Мирзаев, бошқарма катта муҳандиси Абдушуккур Нажмиддинов, бошқарма топографи Шокиржон Отакуловлар ҳам ана шу тоифа кишилардан бўлиб, ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашганлар. Оқибатда улар бошқармага келиб тушган муносабатларга қонунда белгиланган муддатларда жавоб бермай, муддатини 30 кундан 214 кунгача ўтказиб, ижро қилмасдан келишган. Натижада "Фуқаролар муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Респуб-

жиноят иши қўзғатилди. Тergov ҳаракатлари жараёнида муносабатчиларнинг аризалари қанотлангандилар.

Жиноят ишлари бўйича Асака туман суди томонидан ушбу мансабдор шахс жавобгарликка тортирилиб, мансабдорлик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шу билан бирга Юсупов Мирзаевага 9 млн. 814 минг сўм жарима жазоси, Абдушуккур Нажмиддиновга 3 йил асқоқ тузатиш иши ва иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида давлат даромадига ушлаб қўлиш, Шокиржон Отакуловга 701 минг сўм миқдорида жарима жазолари ҳам тайин этилди.

Бутунгун қунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг

камрولي ислотлар амалга оширилмоқда, уларнинг ширвард

ликаси Қонунининг 7-моддасида белгиланган, аризаларни қўриб чиқиш ўз ваколатига кирадиган давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари аризаларни ҳар томонлама, ҳолисона ва ўз вақтида қўриб чиқишлари, қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари, аризаларни қўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шартлиги тўғрисидаги қондалар бузилган. Муносабатларни қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиб, ушбу фуқароларнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларига жиддий зарар етказилган. Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма мансабдорларига нисбатан

мақсади халқимиз манфаатларига монанд иқтисодий-ижтимоий шароитни яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишдан иборатдир.

"Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонунда ҳар бир шахснинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларга муносабат қилиш ҳуқуқини акс эттирувчи асосий тартиб-қондалар белгиланган. Бу қондаларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Алишер ЮСУПОВ,
Андижон шаҳар
прокуратурасининг катта
терговчиси

ЗЎРАВОН ФЕРМЕРЛАР

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган тўла ислохотлар тўғрисида деҳқон-фермерларга кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, ҳалол меҳнат билан мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган фермерлар ҳам талайгина. Бироқ...

Пешкулик Олтин Қазоқов 1998 йилда "Мангитон" номли фермер хўжалигини ташкил этиб, фаолият бошлади. Аввалига ҳаммаси ривожланиб кетди. Аммо, нима бўлди раҳбар солиқлардан бўйин тоғлай бошлади.

Ўтган йил ноябрь ойининг охирида хўжаликка туман суд ижрочилари бўлими ходимлари келишди. Уларнинг мақсади, туман солиқ инспекцияси фойдасига 8334,9 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни, 7,0 минг почта харажатлари, "Бухоронедфбаз" унитар корхонаси ҳисобига 9018,5 минг, "Қишлоқхўжаликким" ХАЖ Пешку туман филиалига 25575,2 минг сўмлик асосий қарз, судлар ва адилия органларини ривожлантириш жамғармаси фойдасига 404,7 минг сўмлик давлат божи тўловларини фермер хўжалиғи мол-мулк ҳисобидан ундириш ва мол-мулкнинг хатлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш эди.

— Қарзларингиз учун сизга тегишли бўлган техника воситаларини рўйхатга олишга ҳақлик, — дея гап бошлади катта суд ижроси Б.Юсупов.

— Трактор ҳозир дала ишларини бажараяпти. Иш тўхтаб қолмасин, эртага ўзим бориб, ҳамма ишни қонуний ҳал қилиб келаман, — дейди О.Қазоқов.

Аммо, хизматчилик — суд ижрочилари сўзларида туриб олишди. Орага Олтиннинг жияни, хўжалик ишчиси Умид қўшилди. Тортитув жанжалга айланди. Бир маҳал Умид суд ижросини ё.Бозоровни ура бошлади. Уларни ажратишга уринган Б.Юсупов ҳам қалтқадан бебаҳра қолмади...

Суд Олтин Қазоқов ҳамда Умид Қазоқовларга ЖКнинг тегишли моддасига асосан қўлимишларига яраша жазо тайинлади.

Яхё АНДАЕВ,
Пешку туман прокуратураси терговчиси
Лолаҳон МАНСУРОВА,
журналист

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖЛҚК Департаментининг Андижон виллоят бошқармасининг Балиқчи туман бўлими ўтказган таҳлилларда "Машхур Балиқчи диёр" ва "Дилкаш шериклари" хусусий корхоналари рухсатсиз улгуржи савдо билан шугулланиб, кўп миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин тоғлаб келгани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов мавбаидида хусусий корхоналарнинг раҳбари, Охунбоев қишлоқ фуқаролар йигинининг Қумтепа маҳалласида истиқомат қилувчи А.Отажонов ва унинг банк муассасасидаги нафси ҳақалак оттан шерикларининг жиноий қилмишлари фош этилди. "Пахта банк" Чинобод фи-

«ДИЛКАШ ШЕРИКЛАР»

лиали собиқ бошқарувчиси ва ходимларига нисбатан алоҳида жиноят иши очилди.

Қарийб ўн йил банк филиалининг бошқарувчиси лавозимда ишлаб келган элик ёшдан ўтган Р.Алимов қумтепалик мижози билан "синашга" ака-ука эди. Қадрдонига тегишли бир эмас, тўртта хусусий корхонанинг ҳисоб рақами айнан у раҳбар бўлган банкда очилган эди. А.Отажонов пул маблағларини у корхонасидан бу корхонасига ўтказиб, оз-оздан нақдлаштириб олишга "қўзини юмиб", қўллаб турарди. Қадрдонига банк кредитини олиш тўғрисида сўз очганида бошқарувчисининг ҳаёлида ўзаро гапни бир жойга қўйиб, йирик лўқмаларни ютиш "гоя"си тургиди. Қўл остида ишловчи бош ҳисобчи Ф.Аҳмад-жонов, иқтисодийёт бўлими бошлиғи Қ.Сиддиқова, шу бўлимининг мутахассиси У.Ҳамзаевлар "манфаатдор"ликдан воз кечмасликларига ишончи қомил бўлиб, укашонига ажратиладиган кредит маблағларидан "фойдаланиш" режасини баҳам кўрди. Улар "сиз нима десангиз, шу" дея қўлларини қўқисларига қўйишди. Шу тариқа бир пиёла чой устида тўртта хусусий корхонанинг "ишбилармон" раҳбари А.Отажонов, банк бошқарувчиси Р.Алимов, ходимлари Ф.Аҳмад-жонов, Қ.Сиддиқова ва У.Ҳамзаевлардан иборат "дилкаш шериклари" "шерикчилик" асосида банк маблағларидан шахсий мақсадлари йўлида "фойдаланиш"га келишиб олдилар. "Битишув"га мувофиқ А.Отажонов ўзига тегишли "Машхур Балиқчи диёр" хусусий корхонасига тўё қурилиш мате-

риаллари сотиб олиш мақсадида 50 млн. сўм кредит ажратиб беришни сўраб ариза ёзди берди. Бошқарувчи ажратиладиган кредит ҳужжатларини расмийлаштиришни мутахассис У.Ҳамзаева топишди. Мутахассис кредит қафолатини таъминлаш учун гаровга қўйилаётган "Улуғнор туман ММТП" корхонасига қарашли "Кейс" русумли комбайни жойига чиқиб қўришга ҳам "эринди". Уни қайта баҳолатиш тўғрисидаги далолатноманинг ҳаққонийлигини суриштириб ўтирмади. Нотариял тасдиқланган гаров шартномасининг асл нусхасини кўрмай, ксероксда қўрима олинган нусхасини қабул қилиб олаверди.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, банк ҳуқуқшуносига тақдим этди.

Оралдан икки ой ўтиб, банк бошқарувчисининг топишириғига асосан худди юқоридигайди йўсунда сохта ҳужжатлар тузилиб, А.Отажоновга тегишли яна бир хусусий "Дилкаш шериклар" корхонасига ҳам 50 млн. сўм кредит маблағлари ажратиб беришди.

Банк мутахассиси У.Ҳамзаев кредит маблағлари мақсадга мувофиқ фойдаланилаётган тўғрисида корхона раҳбари А.Отажонов тақдим этган ҳужжатларни қўлини чирт юмганига қабул қилиб, тиркаб қўверди.

А.Отажонов 100 млн. сўм кредитни ўзига тегишли бошқа хусусий корхоналарга қурилиш материаллари учун, фирма ва корхоналарга "молиявий ёрдам учун" ўтказиб ўзлаштирди. "Дилкаш шериклари" билан баҳам кўрди.

Ушбу маблағни "Машхур Балиқчи диёр" ва "Дилкаш шериклар"нинг кредит тани ва фоизи бўйича вужудга келган ўпирлишини "ёпишга" ҳамда бошқа "молиявий ёрдамлар"га сарфлашди. Оралдан олти ой ўтиб, техника эҳтиёт қисмлари ва чорва моллари етказиб бера олмаган "Дилкаш шериклар" корхонаси 20 млн. сўмни 2 млн. сўмга ақин фойзалари билан фермер хўжалиғи ҳисоб рақамига қайтариб ўтказиб қўйди.

А.Отажоновнинг хусусий корхоналарида ўтказилган текширишда гарчи кредит маблағларининг муайян қисми қурилиш материаллари олиш учун фирмаларга тўловномалар билан ўтказилган бўлса-да, бунга тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар қичмади. Аслида улгуржи савдо билан шугулланиш учун рухсатнома олмаган корхоналарнинг маблағлари қонунга зид равишда улгуржи савдога сарфлангани ҳам аён бўлди.

Гўё банкдан қурилиш материаллари учун олган 100 млн. сўм кредит маблағларини "айлангирини" фойда кўрган, солиқ ва бошқа тўловларни қисдан тўламаган хусусий корхоналар раҳбари А.Отажонов ва унинг бу жиноий қилмишига бевосита бош қўшган "дилкаш шериклари" — "Пахта банк" Балиқчи туман филиали бошқарувчиси Р.Алимов, ходимлари Ф.Аҳмад-жонов, Қ.Сиддиқова ва У.Ҳамзаевларга суд тегишли жазо тайинлади.

Мухаммадхон ТЕШАБОВЕВ,
Балиқчи туман прокуратураси
терговчиси

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



КЎРГАЗМАГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

ҳозлари, электр ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар, ултуржи-чакана савдо компаниялари вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар, талаба-ёшлар, маҳаллалар фаоллари бор.

Кўргазманинг учинчи куни Навоий ва Наманган вилоятларидан келган вакиллар, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртлири талабалари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари кўргазма билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятимизнинг Косонсой, Уйчи, Учқўрғон ва Поп туманларида намунавий лойиҳалар асосида посёлкалар қурилиши режалаш-

тирилган, — дейди Наманган вилояти бош архитектори вази-фасини бажарувчи Немамжон Жўрабоев. — Косонсой тумани Қўқумбой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi Навбахор маҳалласида 3, 4, 5, 6 хонали жами 225 та маҳалла гузари, 350 ўринли мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ врачлик пункти, деҳқон бозори, ҳаммом, минимаркет, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех барпо этилади.

Маъмур янги аҳоли пунктининг муҳандислик коммуникация тизимларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда сув тўплаш ва тозалаш иншооти қуриш, 4,8 километрик ичимлик суви, 5,4 километрик электр, 4,6 километрик табиий газ тармоғини тортиш кўзда тутилмоқда. 9,2 гектар майдон ободонлаштирилади.

Турар-жой бинолари пишиқ гиштдан қурилади. Ҳозир мамлакатимизда 600 дан зиёд корхона йилига 2,1 мил-

лиард дона гишт ишлаб чиқармоқда. Жорий йилда йилига 282,4 миллион дона гишт ишлаб чиқариш имкониятига эга 39 та янги завод ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 июнда қабул қилинган "Деворбод материаллар ишлаб чиқариш кўпайтириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг модернизация қилиши натижасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, маҳсулот нархининг арзонлашишига эришилади.

Кўргазма доирасида вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, архитектура, қурилиш, транспорт, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туманлар ҳоким-

ларининг ўринбосарлари, туманлар бош меъморлари аттестациядан ўтказилмоқда. Андижон, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидан келган 24 раҳбар ходим маъмур аттестациядан ўта олмади.

Шу куни Навоий ва Наманган вилоятидан келган вакиллар иштирокида турли ҳудудларнинг ижтимоий-демографик, табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар, тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш учун имтиёзли шартларда кредит ажратиш тартиби, яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер массивларини танлаш, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби, янги қурилиш материалларини қўллаш сингари мавзуларда семинар бўлиб ўтди.

Олим ТўРАКУЛОВ,
ЎЗА

ҲАММА ҲИССА ҚЎШИШИ

КЕРАК

Бугунги кунда бутун мамлакатимиз ҳудудида қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авжига чиққан. Хусусан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури ижроси юзасидан Тўртқўл туманида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимининг қарори қабул қилиниб, шу асосда махсус дастур ишлаб чиқилган. Давлат дастурида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги қарорига кўра уй-жойларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш бўйича 3 та ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотини тўзилиб, уларнинг фаолиятини жонлантиришга қаратилган шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Туманда бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Пахтачи" овул фуқаролар йиғини ҳудудида 2 километр, "Қўҳна Тўртқўл" ва "Оққамиш" овул фуқаролар йиғинларида ҳам 2 километр узунликдаги ичимлик суви қурувлари тортилиб, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди. Қишлоқларни газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда 125 километр узунликдаги электр тармоқлари, 45 километр узунликдаги газ қурувлари тўла таъмирланди.

Туманимизда капитал қурилиш соҳасида маъмур йилнинг ўтган олти ойида 1 миллиард 669 миллион 500 минг сўмлик бюджет маблағлари, 4 миллиард 961 миллион сўмлик бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, 1 миллиард 300 миллион сўмлик ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар, шунингдек, тижорат банкларининг 302 миллион 900 минг сўмлик кредитлари ўзлаштирилди. 3080 ўринли 10 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди.

16,8 минг квадрат метр тураржой бинолари қуриб битказилгани таҳсинга сазовор ишлардан бўлди. Бундан ташқари аҳоли талаби инобатга олинган ҳолда 2,7 километр узунликдаги газ, 9,1 километр узунликдаги ичимлик суви қурувлари ётқизилди. Ҳудудларни ижтимоий-иқти-



содий ривожлантириш мақсадида қабул қилинган дастурларни бажариш юзасидан 228 та кичик бизнес субъектлари тузилиб, 243 касаначини қўшиб ҳисоблаганда 2946 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Кейинги пайтда аҳолининг қурилишбоп материалларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Бу масалалар ечимини ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлашга ҳам хизмат қилаёпти. Жумладан, "Уллубоғ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Тўртқўл Шоҳ Бекат" гишт заводи ишга туширилгани аҳоли учун айни мудлоа бўлди. Бу ерда ҳам бир неча ўнлаб иш ўринлари ташкил этилди.

Аҳолини иш билан таъминлашга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. 2009 йилнинг ўтган 7 ойи давомида туман ҳокимлиги, прокуратураси ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида уч марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 144 та корхона ва ташкилот 477 та бўш иш ўринларини таклиф этишди. Меҳнат ярмаркасида 330 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, шу йилнинг олти ойи давомида қорамол сотиб олишлари учун 53 та оилага 60,5 миллион сўмлик микрокредит ажратилди. Шундан тижорат банклари ҳисобидан 50,5 миллион сўм, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 10 миллион сўм берилди. Кам таъминланган ёш оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 63 бош қорамол бепул тарқатилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш Дастурига мувофиқ 2009 йилнинг 1 июль ҳолатига туман бўйича 197 кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди ва 83 кишининг мавжуд меҳнат дафтарчасига янгидан ёзув киритилди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар кўзга ташланди. Ўтган давр мобайнида янгидан 1 та умумий овқатланиш ва 7 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси бунёд этилди. Туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 71,3 миллион сўм кредит ажратилди. Тадбиркорларнинг сайёҳаракатлари билан хизмат кўрсатиш соҳасида 883 та қўшимча иш ўрни яратилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури ижроси юзасидан юқоридagi каби бир қанча хайрли ишлар олиб борилаётганига қарамасдан ай-

рим қонунбузарликлар ҳам содир этилаётгани ачинарли ҳол. Тўртқўл туман прокуратураси томонидан "Пахтабод" овул фуқаролар йиғинида Дастур ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида экин майдонларини сугоришга мўлжалланган 121 дона бетон лотокларни номаълум шахслар ўғирлаб кетишгани маълум бўлди. Шунингдек, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси мансабдор шахслари ўз вазифасига совуққонлик билан қарашгани натижасида пахта етиштириш бўйича жорий йилнинг январь ойида давлат томонидан молиялаштирилиши лозим бўлган 513 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан фақатгина 174 миллион сўми молиялаштирилиб, пахта етиштирувчи ҳўжаликларга жула кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган. Бу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Давлат дастурини қабул қилишдан мақсад халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш орқали мамлакатимизни энг тараққий этган давлат қаторига олиб чиқишдир. Бундай эзгу орзу-ниятлар йўлида сидқилмизнинг меҳнат қилиш ҳар бир юртдошимизнинг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади.

Фарҳод АЛЛАМБЕРГАНОВ,
Тўртқўл туман прокурори



ЧЕКАЛАНГАН БОШҚАРУВ

Корхонамиз иқтисодий ночор аҳолига тушиб қолган эди. Хатто ходимларнинг иш ҳақларини ҳам тўлашга қодир эмасди. Шу боис ҳужжатли суд томонидан санация жорий қилиниб, ташқи бошқарувчи тайинланди. Лекин корхонамиз акционерлик жамияти бўлганига сабабли, бизда жамият бошқаруvidан ташқари кузатув кенгаши ҳам фаолият кўрсатиб келар эди. Ташқи бошқарув жорий этилганидан буён эса тайинланган ташқи бошқарувчи кузатув кенгашининг ҳуқуқлари қонунга мувофиқ чекланган. Шунинг учун у фаолият кўрсатишга ҳақли эмас дегилми. У шундай дейишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлмаса, қонун талабини қай даражада бузаяпти ва унга нисбатан қандай қонуний чора кўрилади?

З.КУТИБОВ,
Нукус шахри

Ташқи бошқарувчининг талаби тўғри. Чунки "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 92-моддаси талабига кўра, суд томонидан ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органилари ваколатлари тугатилади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органилари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади. Ушбу органлар ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш кунини ичда қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлашлари шарт.

ИШ ҲАҚИМ НИМА БЎЛАДИ?

Мен бир неча йил давомида бош муҳандис бўлиб ишлаган эдим. Ойлик иш ҳақим юқори эди. Лекин иш ҳақим ҳақидаги маълумотномани ололмадим. Сабаби, 1996 йили бўлган ёнғинда барча ҳужжатлар йўқ бўлиб кетган экан. Аммо мен ишлаган ташкилот ҳамон борлиги учун у ернинг маъмуриятига ишлаган даврларимиз тасдиқлаб беришларини сўраб мурожаат қилганимда, улар менга ҳужжатлар куйиб кетганлиги тўғрисида маълумотнома беришди. Шу туфайли нафақага чиқишимда менга энг кам нафақа миқдори белгиланган. Йўқ бўлиб кетган ҳужжатларни тиклаш учун нима қилса бўлади?

Б.ЮЛДАШЕВ,
Самарканд шахри

"Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддаси талабига кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса, нафақа миқдори иш стажига кўра энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, ушбу қонунда белгиланишича, иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига тўланган ижтимоий сугурта бадаллари миқдорида қараб аниқланади.

МЕНИНГ ХОҲИШИМ ҚОНУНИЙМИ?

Мен бир корхонада ҳисобчи бўлиб ишлар эдим. Лекин оилавий шароитим туфайли у ердан ўз хоҳишимга кўра ариза ёзиб кетишга мажбур бўлдим. Аммо охириги йил давомида йиллик таътили олмасаним учун олдин таътилга чиқиб, таътил муддати тугаши билан меҳнат шартномаси ҳам бекор бўлишига келишган эдик. Мен таътил вақтида бошқа иш топишга уришиб кўрдим, бироқ бошқа иш топа олмадим.

Орадан бироз вақт ўтгач эса мен бироз шошиланганимни билдим. Чунки менда бу вақт ичда оилавий шароитимни тўғрилаб, аввали ишимга қайтишга имконият пайдо бўлди. Мен ҳозирги шароитда аввали ишимга қайтаришни сўраб мурожаат қилишим мумкинми?

Н.ЗОКИРОВА,
Фарғона шахри

Меҳнат кодексда меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш асосларида ходим иш бевручлиги икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ёки ана шу икки ҳафталик муддат тугамасдан туриб ўз аризасини қайтариб олиб, меҳнат муносабатларини давом эттиришга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилган. Лекин сиз билан боғлиқ ҳолатда, агар Меҳнат кодексда белгиланган ушбу муддат ёки сиз билан иш бевручлиги ўртасида бу ҳолат бўйича белгиланган (агар белгиланган бўлса) муддат ўтиб кетган бўлса, унда сиз ўз аризангизни қайтариб олишга ҳақли эмассиз.

НИКОҲ ТАҚДИРИ

Яқин бир танишимнинг турмуш ўртоғи бундан бир неча йил олдин бедарак йўқолди. Орадан йиллар ўтса ҳам у топилмади. Шундан сўнг, ўша танишим турмушга қайдагидан бўлиб қолди. Шунинг учун унинг собиқ эрини суд бедарак йўқолган деб топди. Аммо тақдир тақозоси билан у турмушга чиқмай қолди. Орадан йил олти йил ўтгач, бедарак йўқолган эри қайтиб қолди. Бундай вазиятда уларнинг аввалиги никоҳи тикланиши мумкинми?

Ш.МИРАЛИМОВА,
Янгийўл шахри

Мумкин. Лекин бунинг учун шахсини бедарак йўқолган деб топиб тўғрисидаги суд қарори бекор қилиниши лозим. Ана шундан кейингина эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра, уларнинг никоҳлари ҚХДЭ органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр (хотин) бунгача бўлган вақт ичда янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас. Эски никоҳни тиклаш фақат кейинги никоҳ бекор қилинганидан кейингина бўлиши мумкин.

КЕРАКЛИ ОДАМ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилаётган суриштирув ёки тергов ҳаракатларида неча марта ҳолис сифатида қатнашим мумкин?

Т.АКРОМОВ,
Нарпай тумани

Ҳолис сифатида фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар (гувоҳлан-тириш, қўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, мол-мулкни хатлаш, таниб олиш учун кўрсатиш, тергов эксперименти ва ҳоказо шу каби ҳолларда) ўтказилганини тасдиқлаш ва ушбу жараён натижаларини тасдиқлаш учунгина жалб этилади. Бунда ҳолис мазкур жараённинг бошидан охиригача қатнашиши талаб қилинади. Қонун муайян ҳолиснинг неча мартаба тергов ҳаракатларида иштирок этиши лозимлигини аниқ белгиламаса-да, муайян тергов ҳаракатида битта шахс фақат бир марта жалб этилади. Агар суд муҳокамасида ўтказилган тергов ҳаракатлари бўйича турли хил шубҳа ёки тушунмовчиликлар пайдо бўлса, у ҳолда шу тергов ҳаракатларида иштирок этган ҳолис суд мажлисида қақарилиши ва гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.



НАФАҚА МИҚДОРИ ҚАНЧА?

2002 йил октябр ойида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб ишга чиқмаган давр учун неча сўм ҳисобланади? 2000 йил ва 2001 йилдаги иш ҳақи ўсган фойзалар кейинги ҳомилидорлик ва туғиш бўйича меҳнатга қобилиятсизлик варақаси учун нафақа ҳисоблаганда инобатга олинадими?

Д.РУСТАМОВ,
Қарши тумани

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун тўланадиган нафақалар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларнинг қайси тоифасига киришига қараб белгиланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февраль кунги 71-сонли қарорига мувофиқ, 2002 йил 1 мартдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар қуйидагича белгиланган:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамонига 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва қўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва ҳавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонига ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишлаш шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилитини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорига;

б) ижтимоий аҳамиятага эга касалликлар бўйича ҳисобла турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизгача миқдорда;

в) қолган ҳолларда, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизгача миқдорда тўланади.

Ҳомилидорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлови мазкур вақтда амалда бўлган иш ҳақидан (шунингдек, ушбу нафақалар учун белгиланган фойзалардан) келиб чиқиб ҳисобланади.

АГАР ИШЧИ ҚАРЗДОР БЎЛСА...

Мен 2001 йилдан буён фирмада директор бўлиб ишлаб келаман. Ишчиларимизга иш ҳақларини доим ўз вақтида тўлаймиз. Лекин яқинда аудитория текшируви ўтказганимизда битта ходимга ор-тиқча пул тўланганини аниқладим. Агар биз ушбу ортиқча тўла-ган пулни ходимнинг келгуси ойдаги иш ҳақидан тўғридан-тўғри ушлаб қолсак қонуний бўладими? Чунки бу тўғрида ходимга айт-сак, у шунча вақт ўтиб кетди, энди ушлайсизларми, деб жанжал кўтараяпти.

Ш.КАМОЛОВ,
Тошкент вилояти

Ҳисоб-китобда хатолар туфайли ходимга ошдиқча тўланган пулни ушлаб қолишда ушбу ходимнинг розилигини олиш талаб қилин-майди. Бироқ бундай ҳолатда икки жиҳатга эътибор бериш лозим:

- агар ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, иш бевручлиги ушбу ҳақни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришига ҳақли;

- агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим ҳужжалик эҳтиёж-ларига, хизмат сафарига ёхуд бошқа жойга ишга ўтганини муноса-бати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибда ун-дилади.

УЛУШЛИ МУЛК

Биз 1993 йили фирма та-шқил этган эдик. Орадан йиллар ўтиб қиммингидир улуши ортди, яна қимдир эса ўз улушини олиб чиқиб кетди. Ҳозирга келиб, ана шу ҳиссалар асосида шакл-ланган мулкдан раҳбарларимиз ўз билангача фойдаланиб кела-птилар. Сабабини сўрасак, улар кўпроқ ҳисса қўшган эмиш. Шундай бўлган тақдирда ҳам бу мулкдан истаганча фойда-ланишга ҳақлими?

Ж.НУРМАТОВ,
Зангиота тумани

Фуқаролик кодексининг 218-219-моддаси талабига кўра, улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчилари-нинг келишуви билан тасарруф этилади.

Улушли мол-мулкдаги мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иш-тирокчилари келишувига муво-фиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса - суд томонидан белгиланадиган тартибда амал-га оширилади. Агар сизнинг улушингиз қўшилган мулкдан умумий мулкнинг иштирокчи-лигида тенг бўлган қисминини ўз эгаллигингизга ва фойдала-нишга берилишини, бунинг илоҳи бўлмаганда эса ўз улу-ши бўлган мулкка эгаллик қила-ётган ва фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тенгшли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга-сиз.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг қўтилган самараларни бериши бевосита адвокатура институтини такомиллаштиришга тақозо этади. Шунинг билан ҳақиқатда адвокатура тизими ҳам ислох этилмоқда. Тизимни такомиллаштиришга қаратилган янги ҳуқуқий асосларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ётади.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юртишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг ташкил ҳуқуқларини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдирish, адвокатларнинг мустақиллиги қаролатларини кучайтириш, айнисқа адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида қабул қилинган Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги Фармони тизим ислохотларининг янги босқични бошлаб берди.

Адвокатларнинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими ташкил этилди, яъни мамлакатимиз адвокатлари Ўзбекистон Адвокатлар палатасига биришди. Адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйиладиган талаблар кучайтирилди, уларнинг мунтазам равишда касбга оид

тини топириши шартлиги, малака имтиҳонидан ўтган талабгор эса лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши лозимлиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши ва яққа тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд қаралган

га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, 2009 йил 1 январига қалар адвокатлик тузилмасида адвокат бўлиб ишламаётган шахслар томонидан олинган лицензияларнинг амал қилиши тугатилди.

Малака комиссиясига малака имтиҳонини қайта топириши учун мурожаат қилган адвокатлардан уларнинг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари асосида

чилик ҳужжатларини лозим даражада билмаслиги туфайли малака имтиҳонини муваффақиятли топиришмади.

Белгиланган тартибда малака имтиҳонини қайта топириш учун ҳужжат ва ариза топириган 14 нафар адвокат узрсиз сабабларга кўра комиссия мажлисига келмаганлиги, айримлари белгиланган муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилмаганлари учун малака комиссиясининг қарори билан малака имтиҳонини қайта топиришмаган деб топилди.

Имтиҳонни муваффақиятли топириган адвокатларга адвокатлик лицензияси берилганидан сўнг улар қасамёд қилишди. Рўйхатдан ўтган адвокатлик ҳайъати, фирма ва бюроларида фаолият кўрсатадиган 93 нафар адвокатта адвокатлик мақоми ва гувоҳномалари берилди. Шу тариқа улар фаолиятларини амалдаги қонунларга асосланган ҳолда давом эттирмақдалар. Малака имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, адвокатлик малакаси талаб даражасида деб топилган адвокатлар инсон ҳуқуқлари, шъни ва қадр-қимматини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда самарали фаолият юртишлари, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришга улкан улуш қўшишлари шубҳасиз.

Урлоббой ЖУМАНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
адлия вазири ўринбосари

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

малакасини оширишнинг мажбурийлиги жорий этилди. Жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шунингдек, тизимни ҳалол ва касб мақорати юқори мутахассислар билан тўлдириниш таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизими ташкил этилди.

Жорий этилган тартибга кўра, лицензия олиш учун адвокат мақомига талабгор шахс юридик мутахассислиги бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Шунингдек, адвокатлик тузилмасида камда олти ой стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳон-

кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириши шарт.

Талабгорга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат адлия органига тақдим қилинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида берилиши назарда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қонун талабларини амалга оширишга эриш бўлиши бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. "Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-

малака имтиҳонлари қайта қабул қилинади.

Малака имтиҳонларини қайта олиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳамда доимий яшаш жойи Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб, бошқа ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 139 нафар адвокат имтиҳон топиришга қўйилди. Улар ҳуқуқнинг барча тармоқларига оид ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга молик саволлардан иборат имтиҳон билетлари асосида синовдан ўтказилди. Имтиҳон якунлари бўйича 32 нафар адвокат ўз билан даражасини мунтазам равишда ошириб бормаганлиги, янги қабул қилинаётган қонун-

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа фаолиятини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2009 йил 15 майда Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан тадбиркорлик субъектлари ва ҳусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар-



ТАДБИРКОР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг янада кучайтириш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан амалга оширилаётган доимий мониторингнинг кучайтириш вазифаси юклатилди. Бу эса маъмурий йўналишдаги фаолиятимизни янада кенгайтириш, тадбиркорларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш усуллари тўдан такомиллаштириш, тегишли давлат органлари билан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бора-сидидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга тақозо қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч ҳисобланмиш тадбиркорликни ривожлантиришда уларнинг ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда адлия идоралари ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хусусан, бошқарма ҳодимлари томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш юзасидан 4 та туман, шаҳарларда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 1770 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ёзма кўрсатмалар киритилди.

Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 10 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича судларга тақдим этилган.
